



«ИПОТЕКА-БАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ ИПОТЕКА БАНКИ

«Ипотека-банк» АТИБнинг
Кузатув кенгаши томонидан
(2021 йил 2 ноябрдаги
47-сонли баённома)
«ТАСДИҚЛАНГАН»

**«Ипотека-банк» АТИБда
фирибгарликка қарши курашиш
СИЁСАТИ**

Тошкент - 2021 й.

Махфийлик

Ушбу хужжатдаги барча маълумотлар махфий бўлиб, «Ипотека-банк» АТИБнинг мулки ҳисобланади. Мазкур хужжатни тўлиқ ёки қисман, шунингдек унинг иловаларини «Ипотека-банк» АТИБ ходимлари томонидан учинчи шахсга ошкор килиниши факат Комплаенс назорат департаментининг рухсати билан амалга оширилади.

ФИРИБГАРЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ СИЁСАТИ

Хужжатнинг
идентификация рақами:
ППМ-1-__-21

Версия рақами: 1.0

Кучга кириши санаси:
02.11.2021й.

1-варақ

Мундарижа

1. Қисқартмалар ва таърифлар	3
2. Умумий қоидалар	5
3. Тартибга солувчи асосий ҳужжатлар	5
4. Мақсадлари ва вазифалари	6
5. Фирибгарлика қарши курашишнинг асосий тамойиллари	6
6. Фирибгарлик ҳаракатларининг таснифи	6
7. Фирибгарликнинг турлари ва усуслари	7
8. Фирибгарлик ҳаракатларининг олдини олиш	8
9. Фирибгарлик таваккалчилигини бошқариш соҳасидаги ҳамкорлик	11
11. Фирибгарлик содир этганлик учун жавобгарлик	11
12. Яқуний қоидалар.....	11

«ИПОТЕКА-БАНК» АТИБ

ФИРИБГАРЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ СИЁСАТИ

Хужжатнинг идентификация рақами: ППМ-1-__-21	Версия рақами: 1.0	Кучга кириши санаси: 02.11.2021й.	2-варақ
--	--------------------	--------------------------------------	---------

Фамилия, исм, лавозим / Бошқарув органи		Сана	
Ишлаб чиқувчи:		Комплаенс назорат департаменти	
Тавсия этилган:		Банк Кузатув кенгаши қошидаги Аудит қўмитаси	
Маъқулланган:		Банк Кузатув кенгаши томонидан	
версия рақами	Чиқиш санаси	Кучга кириш санаси	Киритилган ўзгартиришларнинг қисқача тавсифи
1.0	02.11.2021й.	02.11.2021 й.	Мазкур Сиёсат Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ ишлаб чиқилган.

ХУЖЖАТДАН ФОЙДАЛАНИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

Хужжатни назорат қилиш ва сақлаш қуидаги жадвалда қўрсатилган рўйхатга мувофиқ амалга оширилади:

Хужжат рақами	Хужжатни сақловчи (Лавозими)	Хужжат формати
1	Корпоратив маслаҳатчиси хизмати	Асли PDFда
2	Комплаенс назорат департаменти	Нусхаси PDFда Асли Wordда
3	Банк ходимлари	Нусхаси PDFда

ФИРИБГАРЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ СИЁСАТИ

Хужжатнинг

идентификация рақами:
ППМ-1-__-21

Версия рақами: 1.0

Кучга кириши санаси:
02.11.2021й.

З-варақ

1 Қисқартмалар ва таърифлар

Тартиб рақами	Қисқартма	Таъриф
1	Банк	“Ипотека-банк” акциядорлик тижорат ипотека банки
2	ИАД	“Ипотека-банк” АТИБ Ички аудит департаменти
3	КНД	“Ипотека-банк” АТИБ Комплаенс назорат департаменти
4	Банкнинг мансабдор шахслари	Банкнинг Бошқаруви, Кузатув кенгаши аъзолари, бош бухгалтер/унинг ўрнини босувчи шахс, филиал бошқарувчиси/унинг ўрнини босувчи шахс
5	Контрагент	Банк билан ҳамкорлик келишуви/хизматлар кўрсатиш/олиш ёки товарларни сотиш/сотиб олиш бўйича шартномасини тузган ёки тузишни режалаштирган жисмоний ёки юридик шахс, шунингдек акциядорлар, инвесторлар, Ўзбекистон Республикасининг давлат назорат қилувчи органлари
6	Фирибгарлик	Ўзбекистон Республикасининг жиноят кодексига мувофиқ, фирибгарлик деганда бироннинг мол-мулкини ўзлаштириш ёки алдаш ёхуд ишончини суистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқини қўлга киритиш, зарар етказиш, хизмат мавқеидан фойдаланиш, шартнома мажбуриятларини қасдан бажармаслик тушунилади
7	КК	“Ипотека-банк” АТИБнинг Кузатув кенгаши
8	Банкнинг бошқарув органлари	Банкнинг Акциядорлар умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва Бошқаруви
9	Сиёсат	“Ипотека-банк” АТИБнинг фирибгарликка қарши курашиш Сиёсати
10	Бошқарув	Банкнинг ижро этувчи органи бўлиб, унинг иши Банк Устави, Банк Бошқаруви тўғрисидаги Низом ва Банкнинг бошқа ички низомлари билан тартибга солинади
11	Фирибгарликка қарши курашиш	Банкнинг фирибгарлик ҳолатларини келтирувчи ёки юзага келишига ёрдам берувчи сабабларни аниқлаш, бартараф этиш ёхуд олдини олишга қаратилган, айбдор шахсларга нисбатан жазо чораларини қўллашнинг олдини олиш, чек қўйиш ва қўмаклашишга қаратилган фаолияти
12	ЎзР	Ўзбекистон Республикаси
13	Банк ходими	Банк билан меҳнат шартномасини тузган жисмоний шахс
14	ЎзРМБ	Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

ФИРИБГАРЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ СИЁСАТИ

Хўжжатнинг идентификация рақами: ППМ-1-__-21	Версия рақами: 1.0	Кучга кириши санаси: 02.11.2021й.	4-варақ
--	--------------------	--------------------------------------	---------

2 Умумий қоидалар

2.1 Мазкур "Ипотека-банк" АТИБда фирибгарликка қарши курашиш сиёсати Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва "Ипотека-банк" АТИБнинг ички хужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2.2 Ушбу Сиёсат Банкнинг асосий ички хужжати бўлиб, Банқда фирибгарликка қарши курашиш мақсадида ички назоратни ташкил этишининг асосий тамойиллари, ёндашувлари ва талабларини тартибга солувчи, фирибгарликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, ушбу жиной жазоланадиган ҳаракатларнинг оқибатларини минималлаштириш ва (ёки) йўқ қилишнинг бошқарув ва ташкилий асосларини белгилайди.

2.3 Ушбу Сиёсат фирибгарликнинг олдини олиш, аниқлаш ва унга қарши курашиш соҳасида минимал талабларни белгилайди.

2.4 Мазкур Сиёсат қоидалари Банкнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши ва риоя этилиши учун мажбурийдир.

2.5 Сиёсат Банкнинг ички фойдаланиш учун мўлжалланган хужжатdir.

3 Тартибга солувчи асосий хужжатлар

3.1 Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси;

3.2 Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси;

3.3 Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни;

3.4 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги ПҚ-5177-сонли “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги Қарори;

3.5 Акциядорлик жамиятлари самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича Комиссия йиғилишининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сонли баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув Кодекси;

3.6 «Ипотека-банк» АТИБда хукуқбузарликлар тўғрисида ахборот бериш Сиёсати;

3.7 «Ипотека-банк» АТИБда коррупцияга қарши курашиш Сиёсати;

3.8 “Ипотека-банк” АТИБда манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва бартараф этиш сиёсати;

3.9 «Ипотека-банк» АТИБда давлат харидлари тўғрисида Сиёсат;

3.10 “Ипотека-банк” АТИБнинг ишбилармонлик этика Кодекси;

3.11 Комплаенс назорат департаменти тўғрисидаги Низом.

3.12 “Ипотека-банк” АТИБда коррупцияга қарши курашиш соҳасида мувофиқлаштирувчи органлар билан самарали ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисида Низом.

ФИРИБГАРЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ СИЁСАТИ

<i>Хужжатнинг идентификация рақами: ППМ-1-__-21</i>	<i>Версия рақами: 1.0</i>	<i>Кучга кириши санаси: 02.11.2021й.</i>	<i>5-варақ</i>
---	---------------------------	--	----------------

4 Мақсадлари ва вазифалари

4.1 Ушбу Сиёсатнинг мақсади Банкда фирибгарлик фаолиятининг олдини олиш ва уларга чек қўйиш бўйича кенг қамровли ва изчил чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан иборат.

4.2 Сиёсатни амалга оширишнинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

- 1) Банкнинг барча ходимларини фирибгарликка қарши чора-тадбирларни амалга оширишга жалб қилиш, жамоада ахлоқий иш юритишига ёрдам берадиган мухитни шакллантириш ва фирибгарликнинг намоён бўлишига нисбатан муросасиз муносабатни яратиш;
- 2) Банк ходимларининг лавозим вазифаларини бажаришда ҳалоллик ва шаффофлик тамойилларини таъминлайдиган хуқуқий маданиятини қўйидаги йўл билан шакллантириш:
 - Банк ходимлари ва контрагентларда ҳар қандай шакл ва кўринишларда фирибгарлик харакатларини қабул қиласлик тўғрисида ягона тушунча яратиш;
 - Банкни, унинг ходимларини, уларнинг эгаллаб турган лавозимидан, ишлаш муддатидан, мавқеидан ва Банк билан бошқа муносабатларидан қатъи назар, фирибгарлик фаолиятига жалб қилиш таваккалчилигини минималлаштириш, фирибгарликка олиб келадиган омилларни бартараф этиш;
- 3) контрагентлар билан ўзаро муносабатларда фирибгарлик таваккалчилигининг олдини олиш, шартномавий муносабатларни амалга оширишда ташки фирибгарлик эҳтимолини камайтиришга қаратилган текшириш чораларини кўриш орқали контрагентлар билан шартномалар тузиш.

5 Фирибгарликка қарши курашишнинг асосий тамойиллари

5.1 Фирибгарликка қарши курашиш қўйидаги тамойиллар асосида амалга оширилади:

- 5.1.1 қонунийлик;
- 5.1.2 Банк ва унинг контрагентлари хуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг устуворлиги;
- 5.1.3 Банк ва унинг контрагентларининг бузилган хуқуқлари ва қонуний манфаатларини тиклаш;
- 5.1.4 фирибгарликка қарши курашишда ёрдам берадиган Банк ходимларининг шахсий хавфсизлигини таъминлаш ва рафбатлантириш;
- 5.1.5 Мумкин бўлган фирибгарликнинг олдини олиш, фирибгарлик фактларини ўз вақтида аниқлаш, фирибгарликка йўл қўйган ва/ёки фирибгарликни содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш, шунингдек фирибгарлик оқибатларини бартараф этиш бўйича бошқарув, ташкилий, ахборот, ижтимоий-иқтисодий, хуқуқий, маҳсус ва бошқа чора-тадбирлардан комплекс фойдаланиш.

ФИРИБГАРЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ СИЁСАТИ

<i>Хужжатнинг идентификация рақами: ППМ-1-__-21</i>	<i>Версия рақами: 1.0</i>	<i>Кучга кириши санаси: 02.11.2021й.</i>	<i>6-варақ</i>
---	---------------------------	--	----------------

6 Фирибгарлик ҳаракатларининг таснифи

6.1 Банк ўз фаолиятида фирибгарлик ҳаракатларининг қуйидаги турларига дуч келиши мумкин, уларни шартли равишда ички ва ташқи турларга бўлиш мумкин:

- 6.1.1 Ички фирибгарлик – Банк ходимларининг ғайриқонуний ёки қонунга хилоф равишда наф олиш мақсадида, алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш орқали, шу жумладан кредитлар (қарзлар) бериш, депозитларни қабул қилиш соҳасида, қимматли қоғозлар билан боғлиқ фаолият соҳасида, бухгалтерия ҳисоби юритиш соҳасида, ҳисоб-китоб-касса хизматлари соҳасида, шунингдек Банк учун товарлар ва хизматларни сотиб олишда қасдан ҳаракатлари/ҳаракатсизлиги.
- 6.1.2 Ташқи фирибгарлик - контрагентлар (юридик /жисмоний шахслар) томонидан алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш орқали моддий наф олиш мақсадида банкка нисбатан ҳаракатлар.

7 Фирибгарликнинг турлари ва усуллари

7.1 Сиёсат доирасида чора-тадбирларни амалга оширишда Банк фирибгарлик наф олишга қаратилган (одатда молиявий) жиноятларнинг жуда кенг рўйхатини ўз ичига олганлигини ва Банкнинг ўз фаолияти доирасида ва ундан ташқарида жойлашган кўплаб хавф туғдирувчи омиллар туфайли мураккаб характерга эга эканлигини ҳисобга олади.

7.2 Банкнинг бизнес-жараёнларида хос бўлган фирибгарликнинг юзага келишининг хавф омиллари ва юзага келиш эҳтимоли қуйидаги турларни ўз ичига олади, лекин улар билан чекланмайди:

- 7.2.1 Суиистеъмол қилишга мажбурлашга қодир бўлган босим:
 - молиявий босим;
 - иллатлар ва ҳалокатли иштиёқлар орқали босим;
 - лавозим вазифаларини бажариш билан боғлиқ босим;
 - ташқи босимнинг бошқа турлари.
- 7.2.2 Банк жараёнларида ички назоратнинг йўқлиги ва/ёки самарасизлиги:
 - фирибгарликни олдини олиш/аниқлаш бўйича назорат чора-тадбирларининг йўқлиги ёки етарли эмаслиги;
 - қарор қабул қилишда ёки якка тартибда қарор қабул қилишда шаффофликнинг йўқлиги;
 - бузилган ёки етарли бўлмаган маълумотларни тақдим этиш;
 - тафтиш ва/ёки аудит текширувининг йўқлиги;
 - иш сифатини баҳолашнинг мумкин эмаслиги ёки имконсизлиги;
 - керакли маълумотларга киришнинг йўқлиги.

ФИРИБГАРЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ СИЁСАТИ

<i>Хужжатнинг идентификация рақами: ППМ-1-__-21</i>	<i>Версия рақами: 1.0</i>	<i>Кучга кириши санаси: 02.11.2021й.</i>	<i>7-варақ</i>
---	---------------------------	--	----------------

7.3 Фирибгарликнинг турлари:

- 7.3.1 Кредитлашдаги фирибгарлик;
- 7.3.2 Ҳисоб-китоб-касса хизматларидағи фирибгарлик;
- 7.3.3 Депозитлар билан фирибгарлик;
- 7.3.4 Тўловларни қабул қилишда фирибгарлик;
- 7.3.5 Тўлов карталаридан фойдаланган ҳолда фирибгарлик;
- 7.3.6 Суғурталашдаги фирибгарлик;
- 7.3.7 Компьютер хавфсизлиги соҳасидаги фирибгарлик;
- 7.3.8 Маблағларни ўзлаштириш ва/ёки товламачилик мақсадида телефон, мобил, интернет фирибгарлиги;
- 7.3.9 Электрон ҳамёнлардан фойдаланиш орқали "мавжуд бўлмаган" товарларни/хизматларни сотиш.

7.4 Фирибгарлик усуслари:

- 7.4.1 Лоббичилик ва контрагент билан битимни тасдиқлашда ёрдам бериш;
- 7.4.2 Атайлаб қайтарилмайдиган кредит (кредит)ни тақдим этиш;
- 7.4.3 Гаров таъминотининг баҳолаш кийматини ортиқча кўрсатиш;
- 7.4.4 Контрагентнинг ёки Банк ходимининг молиявий аҳволи ҳақидаги маълумотларни нотўғри талқин қилиш;
- 7.4.5 Контрагент ёки Банк ходимлари ҳақидаги салбий маълумотларни яшириш;
- 7.4.6 Парол, логин, банк ҳисобварағи рақами, кодли сўз, банк картасидаги CVV2-коди ва бошқалар каби шахсга доир маълумотларни ўғирлаш ва/ёки ноқонуний фойдаланиш;
- 7.4.7 Ушбу Сиёсатда кўрсатилган фирибгарлик таърифига мувофиқ Банк манфаатларига зид бўлган ва/ёки Банк контрагентларининг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган ва фирибгарлик деб таснифланган бошқа ноқонуний ҳаракатлар.

8 Фирибгарлик ҳаракатларининг олдини олиш

- 8.1 Банкда фирибгарлик фактининг олдини олиш ва ўз вақтида аниқлаш мақсадида:
 - 8.1.1 Корпоратив бошқарув, комплаенс назорат ва таваккалчиликни бошқариш тизимини жорий этилди;
 - 8.1.2 Функционалликни тақсимлаш коллегиал қарорларни қабул қилишни таъминлайди;
 - 8.1.3 Банкнинг контрагентлари билан ўзаро ҳамкорликлар жараёнлари расмийлаштирилган, стандартлаштирилган, шаффоф ва фирибгарликнинг олдини олиш учун назорат механизмларига эга;
 - 8.1.4 Банкнинг барча операциялари Банкнинг ҳисоб ёзувларида тегишли тартибда ва тегишли тарзда хужжатлаштирилади, шу билан бирга ушбу ёзувлар қонунчиликда

ФИРИБГАРЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ СИЁСАТИ

<i>Хужжатнинг идентификация рақами: ППМ-1-__-21</i>	<i>Версия рақами: 1.0</i>	<i>Кучга кириши санаси: 02.11.2021й.</i>	<i>8-варақ</i>
---	---------------------------	--	----------------

назарда тутилган муддатлардан олдин уларни йўқ қилиш эҳтимолидан ишончли ҳимояланган;

- 8.1.5 Банк контрагентларининг ахборот хавфсизлиги ва шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилишга риоя этилиши таъминланади;
- 8.1.6 Орқага қайтиш алоқа механизмлари (маҳсус электрон почта қутиси, "ишонч телефони") жорий этилди, шу жумладан банк ходимлари ва контрагентлари ўзларининг шубҳалари ва банк ходимлари ва/ёки контрагентларининг режалаштирилган ва/ёки амалга оширилаётган фирибгарлик ҳаракатлари тўғрисидаги фактлари тўғрисида хабар беришлари учун аноним равища хабар бериш имконияти жорий этилди;
- 8.1.7 КНД доимий равища Банкда тақиқланган операцияларни амалга ошириш ҳолатлари ва хатарлари, шу жумладан контрагентлар, Банк ходимлари томонидан фирибгарлик ва коррупция ҳолатлари тўғрисидаги шикоятлар ва маълумотларни ўз вақтида кўриб чиқиши амалга оширади;
- 8.1.8 ИАД Банк ходимлари томонидан тақиқланган операциялар ва суиистеъмолликлар бўйича фактлар ёки шубҳалар бўйича текширув ўтказади;
- 8.1.9 КНД доимий равища ЎзРнинг ваколатли давлат органлари билан фирибгарлик фактлари бўйича ҳамкорлик қилади;
- 8.1.10 Банкда контрагентлар билан сиёsat масалалари бўйича Банк Бош офиси ва филиалларининг ўзаро ҳамкорлик механизми расмийлаштирилди;
- 8.1.11 Таҳлил натижалари, аввалги фирибгарлик фактларини баҳолаш, уларнинг тақрорланиши ва янги шаклларда намоён бўлишининг олдини олиш мақсадида Банк мунтазам равища ички назоратни қайта кўриб чиқади;
- 8.1.12 КК товарларни, ишларни ва хизматларни харид қилиш жараёнини, шунингдек тегишли молиявий йил учун белгиланган харидлар режасига мувофиқ амалга оширилган харидлар, товарлар, ишлар ва хизматларни назорат қилади;
- 8.1.13 КК фирибгарликни тергов қилиш натижаларини, келажакда бундай фирибгарлик ҳаракатларининг олдини олиш бўйича Бошқарув томонидан кўрилган чораларни, шунингдек айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш ва чоралар кўришни назорат қилади;
- 8.1.14 Доимий равища Банк ходимлари томонидан ўз мажбуриятларини бажаришнинг тўғрилиги "сирли харидор" ёрдамида текширилади;
- 8.1.15 Банк Банкнинг Интернет-ресурсида ўз хизматлари ва уларнинг нархи тўғрисида тўлиқ ва ўз вақтида маълумот бўлишини таъминлайди;
- 8.1.16 Банк ходимлари коррупция ва фирибгарликка қарши курашиш, контрагентлар, Банк ходимларининг ҳукуқларига риоя этиш ва уларни ҳимоя қилиш, ташкил этиш ва фирибгарликка бевосита қарши курашиш соҳасида мутахассисларни касбий тайёргарлиги сифатини ошириш бўйича Банк ходимларини Ўзбекистон

ФИРИБГАРЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ СИЁСАТИ

<i>Хужжатнинг идентификация рақами: ППМ-1-__-21</i>	<i>Версия рақами: 1.0</i>	<i>Кучга кириши санаси: 02.11.2021й.</i>	<i>9-варақ</i>
---	---------------------------	--	----------------

Республикаси қонунчилиги ва Банкнинг ички норматив ҳужжатларини қўллаш бўйича доимий равишда машғулотлар олиб борилмоқда;

8.1.17 Банкда фирибгарликка нисбатан муросасизлик, фирибгарлик соҳасида Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида назарда тутилган ҳаракатларни содир этишга йўл қўймаслик қўллаб-куватланади;

8.1.18 Мажбурий тартибда, ҳар бир ходим Банкда ишга қабул қилинаётганда ушбу Сиёсат талаблари, Ишбилармонлик этика кодекси, шунингдек, лавозим йўриқномалари ва Банкнинг бошқа ички ҳужжатлари билан, шунингдек, уларнинг бажарилмаслиги ва/ёки бузилиши учун назарда тутилган жавобгарлик билан таништирилади, уларга ўз хизмат вазифаларини бажариш жараёнида риоя қилишлари керак.

8.2 Банк ходимлари томонидан ўз лавозим вазифаларини бажаришда Банкда фирибгарлик фактларининг олдини олиш ва ўз вактида аниқлаш мақсадида қуидагилар зарур:

8.2.1 ушбу Сиёсатга мувофиқ фирибгарликка олиб келадиган ҳаракатлар деб хисобланиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳаракатлардан қочиш;

8.2.2 КНД ва/ёки ИАДга Банк ходимлари ва/ёки контрагентлари томонидан фирибгарлик ҳаракатларини амалга ошираётганлиги бўйича ҳар қандай факт ва шубҳа ҳақида хабар бериш;

8.2.3 ушбу Сиёсат, лавозим йўриқномалари ва Банкнинг бошқа ички меъёрий ҳужжатлари талабларини бажариш.

8.3 Ўз ваколатлари доирасида Банкнинг ҳар бир ходими қуидагиларни тушуниши керак:

8.3.1 контрагентнинг умумий таваккалчилик даражасини баҳолаш ва контрагентни идентификация қилишда таваккалчиликка асосланган ёндашувга қўйиладиган талабларни;

8.3.2 Банкнинг қайси фаолиятида фирибгарлик билан боғлиқ асосий таваккалчиликлар юзага келади, бундай таваккалчиликларга нисбатан Банкнинг қайси фаолияти энг заиф хисобланади;

8.3.3 ушбу Сиёсат, лавозим йўриқномалари талабларини бузганлик учун, Банкнинг ички сиёсати ва тартиб-коидаларида назарда тутилган ички назоратга риоя қилмаслик учун жавобгарликни тушуниб етиш.

8.4 Банк ходимлари ва/ёки контрагентларини фирибгарлик билан боғлиқ фаолиятга жалб қилинганлигини билган(лар), шубҳа қилган(лар) ёки гумон қилиш учун жиддий асосларга

ФИРИБГАРЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ СИЁСАТИ

<i>Хужжатнинг идентификация рақами: ППМ-1-__-21</i>	<i>Версия рақами: 1.0</i>	<i>Кучга кириши санаси: 02.11.2021й.</i>	<i>10-варақ</i>
---	---------------------------	--	-----------------

эга бўлган ҳолларда Банк ходими(ходимлари) шахсий жавобгарлик тўғрисида хабардор қилинган, аммо:

- 8.4.1 бундай фаолият учун мўлжалланган маблағлар билан келишилган(лар), ишлов берган(лар) битимлар/операциялар;
- 8.4.2 бундай маблағларни келишиш, қайта ишлаш, назорат қилиш, бундай маблағлардан фойдаланишда кўмаклашган(лар) ёки ёрдам кўрсатган(лар);
- 8.4.3 фирибгарликнинг шубҳа ёки фактлари бўйича тергов ўtkазишга тўсқинлик қилинган(лар);
- 8.4.4 Банк ходимлари ва/ёки контрагентларнинг режалаштирилган ва/ёки амалга оширилаётган фирибгарлик харакатлари тўғрисида ўзининг шубҳалари ва фактлари тўғрисида хабардор қилмади(лар).

9 Фирибгарлик таваккалчилигини бошқариш соҳасидаги ҳамкорлик

9.1 Банк фирибгарлик таваккалчиликларини бошқариш соҳасида ЎзРнинг ваколатли давлат органлари, Банк контрагентлари билан қуидаги мақсадларда ҳамкорлик қиласди:

- 9.1.1 фирибгарликнинг олдини олиш, аниқлаш, чек қўйиш ва ошкор қилишни таъминлаш;
- 9.1.2 фирибгарликни содир этишда гумон қилинаётган (айбланаётган) шахсларни, уларнинг жойлашган жойини, шунингдек ушбу ноқонуний ҳаракатга жалб қилинган бошқа шахсларнинг жойлашган жойини аниқлаш;
- 9.1.3 фирибгарлик натижасида олинган ёки уни содир этиш воситаси ҳисобланган мулкни аниқлаш;
- 9.1.4 Сиёсат масалалари бўйича ахборот алмашиш;
- 9.1.5 фирибгарликнинг профилактикаси ва қарши курашиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш.

10 Фирибгарлик содир этганлик учун жавобгарлик

10.1 Фирибгарлик билан боғлиқ ноқонуний хатти-ҳаракатни содир этганлик учун Банк ходимлари, контрагентлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Банкнинг ички ҳужжатларига мувофиқ жавобгардирлар.

10.2 Хизмат текшируви (тергов) доирасида, фирибгарлик фактлари тасдиқланган тақдирда, шунингдек фирибгарлик ҳаракатлари содир этилганлиги тўғрисидаги маълумот

ФИРИБГАРЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ СИЁСАТИ

Хўжжатнинг идентификация рақами: ППМ-1-__-21	Версия рақами: 1.0	Кучга кириши санаси: 02.11.2021й.	11-варақ
--	--------------------	--------------------------------------	----------

яширилганлиги тақдирда, қоидабузарлик содир этган Банк ходимларига нисбатан қўйида кўрсатилган бир ёки бир нечта чоралар қўлланилади:

- 10.2.1 интизомий жазо: танбеҳ бериш, ҳайфсан, меҳнат шартномасини бекор қилиш;
 - 10.2.2 айбдорларни жиной ёки Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа жавобгарликка тортиш мақсадида материалларни хуқуқни муҳофаза қилиш органларига юбориш.
- 10.3 Агар ташқи фирибгарлик аломатлари мавжуд бўлса, Банкнинг ҳаракатлари Банкнинг ички ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тартибга солинади.

11 Якуний қоидалар

11.1 Ушбу Сиёсат билан тартибга солинмаган тартиб ва қоидалар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ва норматив ҳужжатларига ҳамда Банкнинг ички ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

11.2 Сиёсат Аудит кўумитасининг тавсиясига биноан Банкнинг КК томонидан тасдиқланади ва зарурат бўлганда, лекин йилига камида бир марта қайта кўриб чиқилиши керак.

11.3 Ушбу Сиёсатни жорий қилиш ва янгилаш учун жавобгарлик Банкнинг Комплаенс назорат департаментига юклатилади.